



IMPROVING CADETS' PHYSICAL AND COMBAT READINESS THROUGH MODELING OPERATIONAL SERVICE ACTIVITIES IN INTEGRATED TRAINING SESSIONS

Kochkarov Atabek Akhmatvayevich

Acting Professor of the Department of Combat and Physical Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), Associate Professor
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14011534>

ARTICLE INFO

Received: 23th October 2024
Accepted: 29th October 2024
Online: 30th October 2024

KEYWORDS

Physical and combat readiness, physical qualities of strength, speed, endurance, agility and flexibility, operational service activities, military and militarized educational institutions, piercing, cutting, short-barreled and long-barreled weapons, module, modeling.

ABSTRACT

This article highlights the issues of improving the physical and combat training of cadets in military and specialized educational institutions through modeling operational and service activities in the process of comprehensive training, thoroughly studying the opinions of scientists engaged in scientific activities in this regard, and the author has developed proposals and recommendations.

КУРСАНТЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ КОМПЛЕКС МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА ТЕЗКОР-ХИЗМАТ ФАОЛИЯТНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кочкаров Атабек Ахматвайевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси профессори в.б., п.ф.д. (DSc), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14011534>

ARTICLE INFO

Received: 23th October 2024
Accepted: 29th October 2024
Online: 30th October 2024

KEYWORDS

Жисмоний ва жанговар тайёргарлик, жисмоний сифатлар куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик ва эгилувчанлик, тезкор-хизмат фаолият, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган

ABSTRACT

Мазкур мақолада ҳарбий ва ҳарбийлашган таълим муассасаларида курсантларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини комплекс машғулотлар жараёнида тезкор-хизмат фаолиятни моделлаштириш орқали такомиллаштириш масалалари ёритилган бўлиб, бу борада илмий фаолият олиб борган олимлар фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



*таълим муассасалари,
санчилувчи, кесувчи, қисқа,
узун қувурли қурол, модул,
моделлаштириш.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20-январдаги ПҚ-10-сон Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”да жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг жисмоний ва жанговар тайёргарлик даражасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш борасида қуйидаги вазифалар белгилаб берилган.

Жумладан:

- шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий шакл ва усулларига мос равишда такомиллаштириб бориш;
- ички ишлар органлари ходимлари билан жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулотларининг самарали восита ва услубларни қўллаган ҳолда ўтказиш;
- шахсий таркибнинг жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш жараёнида жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ташкил қилиш ҳамда ўтказишда замонавий методикалардан кенг фойдаланиш;
- доимий равишда шахсий таркибни жисмоний сифатларини ривожлантириш (куч, тезкорлик, чидамлик, чаққонлик ва эгилувчанлик) ва синовларни қабул қилиш орқали объектив баҳолаш ҳамда марказлаштирилган рейтинг тизимини юритиш;
- хизматга қабул қилинаётган номзодлар учун жисмоний тайёргарликдан синовлар қабул қилиш бўйича замонавий методика ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда юқори самара берувчи амалий спорт турлари бўйича шахсий таркиб ўртасида мусобақалар ўтказишни ташкиллаштириш;
- шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг инсон организми учун фойдали хусусиятларини доимий равишда кенг тарғибот-ташвиқот қилиш;
- ходимлар томонидан ўқотар қуролларидан ва махсус воситалардан фойдаланиш ва қўллаш малакаларини тўғри шакллантириш, спорт ва табель қуролларидан амалий ўқотиш бўйича мусобақаларни ўтказиш ҳамда хизмат фаолияти самарадорлигини яхшилашга йўналтирилган касбий-амалий кўникмаларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларнинг тезкор-хизмат фаолиятини ўрганиш жараёнида қуйидаги салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда, яъни тартиббузар ёки жиноятчи ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ва фаол қаршилик кўрсатиш ҳолатлари амалиётда тез-тез учраб турибди. Юқоридаги салбий ҳолатларни инobatга олган ҳолда, ҳар бир ходимдан юқори даражадаги жисмоний ва жанговар, техник-тактик ҳамда психологик тайёргарликка эга бўлиши талаб этилмоқда.



ИИБ таълим муассасалари амалиёт учун етук, ҳар томонлама назарий, амалий билим, кўникма ва малакага эга бўлган ходимларни тайёрлаш вазифасини амалга ошириб келмоқда. Ҳозирда ИИБ Академиясида курсантлар билан ўтказиладиган жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти фуқаролик таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларидан тубдан фарқ қилади. Ички ишлар тизимидаги жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти фуқаровий таълим муассасаларида ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларидан, дарс вазифалари, жисмоний юкламалар ҳажми, ўтказилиш сони, жисмоний тайёргарлик бўйича қабул қилинадиган норматив талаблари тубдан фарқ қилади. Жисмоний тайёргарлик машғулоти шахсий таркибнинг касбий-амалий жисмоний ва психологик тайёргарлигини шакллантириш, жисмоний куч ишлатиш, курашнинг жанговар усулларини ва махсус воситаларни моҳирона қўллаш малакасини такомиллаштириш, шунингдек, хизмат фаолияти жараёнида юқори ишчанликни таъминлашга қаратилган.

Ходимнинг жанговар тайёргарлиги – бу касбий муҳим жисмоний, ҳиссий-иродавий сифатларини, хизмат қуроли ва махсус воситаларни ҳамда курашнинг жанговар усулларини самарали қўллаш малакаларини такомиллаштиришга йўналтирилган жараёндир.

Албатта, курсантлар билан жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти комплекс машғулоти шаклида ташкиллаштирилади. Юқорида келтириб ўтилган жисмоний ва жанговар тайёргарликни такомиллаштириш жараёнини бир-биридан алоҳида шаклда ташкиллаштирилиши ҳамда ўтказилиши бўлажак ички ишлар органлари ходимларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларига мутлақо тўғри келмайди. Таълим жараёнида жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулотида қўлланиладиган восита ҳамда усуллар бир-бирини тўлдирувчи комплекс тайёргарлик ҳисобланади.

Жисмоний тарбия, спорт машғулоти, соғломлаштирувчи ва адаптив жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан жисмоний тайёргарлик машғулотларининг мақсад ҳамда вазифалари ўз характерида куйидагича тавсифланади. Булар умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, ўқув-машғулоти, касбий-амалий тайёргарлик, даволовчи ва методик машғулотлардан иборат. Ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида курсантлар билан жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти касбий-амалий йўналишда олиб борилади. Ушбу машғулоти турининг мақсади бўлажак ходимларнинг касбий фаолиятида керак бўладиган амалий ҳаракатларга ўргатиш ва зарур жисмоний, жанговар ва ҳиссий-иродавий тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилади.

Ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида курсантлар билан ўтказиладиган жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти жараёнида кўпроқ амалиётда учраётган ностандарт вазиятларни таълим жараёнида моделлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Модел ҳар қандай объект, жараён ёки ҳодисанинг намунасидир. Жисмоний тайёргарликда моделлаштириш деганда – бирор бир жараённи оптималлаштириш учун моделларни қуриш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш тушунилади. Жисмоний ва жанговар тайёргарлик фанидан комплекс



машғулотларни ташкиллаштиришда тезкор-хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган фавқулотдаги вазиятларни моделлаштириш орқали бўлажак ходимларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоларини ечимини топиш имконини беради. Масалан, жамоат тартибини сақлаётган ходимга тартиббузар томонидан қўққисдан санчилувчи ёки кесувчи совуқ қурол билан ҳужум қилинганда қандай ҳаракатларни амалга ошириши ва қайси ҳимоя усулларни қўллаб ўзини ҳаётини сақлаб қолиши керак. Албатта, ходим хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида ўзини ёки фуқароларнинг ҳаётини хавфдан сақлаб қолиши керак. Бунинг учун ходимдан юқори жисмоний тайёргарлик, яъни курашнинг жанговар усулларини, қўл жанги техникасини ва табель қуролидан фойдаланиш ва қўллаш малакаларини яхши эгаллаган бўлиши талаб этилади. Касбий-амалий тайёргарликни такомиллаштириш жараёнида тезкор-хизмат фаолиятида тез-тез учраб турадиган ностандарт вазиятларни моделлаштириш орқали эришиш мумкин.

ИИВ Академияси спорт мажмуасида буйруқ талабларига тўлиқ жавоб берадиган тўсиқлар йўлакчаси мавжуд бўлиб, у ерда доимий равишда 1, 2, 3-ўқув курслари курсантлари билан амалий машғулотлар ўтказилиб борилади. Курсантларни умумқўшин тўсиқлар йўлакчасини ўтиш техникасига ўргатиш жараёнида зарур назарий билимлар берилади ва амалий малакалар оддийдан мураккабга принципи асосида такомиллаштирилади.

Курсантлар билан умумқўшин тўсиқлар йўлакчасини ўтиш жараёнида қуйидагиларга кўникма ва малакаларни шакллантиришга эришилади:

- ҳар хил тўсиқларни енгиб ўтиш техникасига ўргатиш, махсус усуллар ва ҳаракатларни турли хил шароитларда бажара олишга;
- жисмоний сифатлар, яъни куч, эпчиллик, координация, умумий ва махсус чидамлик ва ҳаракат тезкорлигини такомиллаштиришга;
- ҳиссий-иродавий кўрсаткичлардан, довюракликни, ўз кучига ишончни, ташаббускорликни ва топқирлик сифатлари тарбияланади.

Тўсиқлар йўлакчасида ташкиллаштириладиган амалий машғулотлар ҳар бир ўқув курси курсантларининг тайёрланганлик даражасидан келиб чиқиб, дарс режасида белгиланган машғулот мақсади ва вазифалари, амалий ҳаракатларга ўргатиш воситаларини оддийдан мураккабга принципи асосида қўллаш кетма-кетликлари белгилаб ўтилади. Биринчи ўқув курси курсантларини тўсиқлар йўлакчаси билан таништириш, ҳар бир тўсиқдан ўтиш техникасига босқичма-босқич ўргатиш, машғулот жараёнида умумқўшин тўсиқлар йўлакчасида ўтиш норматив талаблари асосида вақтга ўтиши режалаштирилади. Машғулотлар спорт формасида ўтказилади.

Иккинчи ўқув курси курсантлари билан тўсиқлар йўлакчасида ўтиш норматив талабларини бажариш малакасини тўлиқ шакллантириш вазифаси амалга оширилади. Умумқўшин тўсиқлар йўлакчасидан ўтиш машғулотлари жараёнида қўл ва оёқлар билан бериладиган зарбалардан, санчилувчи ёки кесувчи совуқ қурол билан ҳужумга қарши ҳимояланиш, тартиббузарни қўлга восита ва усуллари моделлаштирилади. Ушбу ностандарт вазиятларда, тартиббузар томонидан қўққисдан ҳужум қилинганда курсантлар чегараланган жойда, қисқа вақт ичида тартиббузарни тезкорлик билан



қуролсизлантириш ва қўлга олиш техникасини бажара олиш кўникма ва малакасини шакллантириш режалаштирилади. Машғулотлар спорт формасида ўтказилади.

Учинчи ўқув курси курсантлари билан тўсиқлар йўлакчасидан ўтиш жараёнида тик турган ҳолатда кураш усуллари, қўл ва оёқлар билан бериладиган зарбалардан, санчилувчи ёки кесувчи совуқ қурол билан ҳужум қилинганда ҳимоя ҳаракатлари, қисқа ва узун қувурли ўқотар қуроллар билан хавф солинганда ҳимояланиш ҳамда тартиббузарни қўлга олиш модулларини жамлаш асосида жанговар вазият моделлаштирилади. Курсант камуфляж уст-бошда тўсиқлар йўлакчасидан ўтади. Тўсиқлар йўлакчасидан ўтиш жараёнида курсантга қўққисдан қаршилиқ кўрсатиш ёки ҳужум қилиш хатти-ҳаракатлари амалга оширилади. Курсантнинг тўсиқлар йўлакчасида ҳаракатланишига жиноятчи тўсқинлик қилиб, усул қўллаганда ушбу усулга қарши тез ва тўғри ҳимоя ҳаракатларини бажариб, шартли жиноятчини зарарсизлантиради ҳамда қўлга олиш ҳаракатларини амалга оширади.

Хулосалар

1. Тўсиқлар йўлакчасида жанговар вазиятни моделлаштириш орқали курсантларда жисмоний (чаққонлик, координация, ҳаракат тезкорлиги, умумий ва махсус чидамлилик), психологик (довюраклик, ўз кучига ишонч, ташаббускорлик, топқирлик, ҳиссий-иродавий сифатлар), жанговар кураш усуллари (қўл ва оёқлар билан бериладиган зарбалардан, санчилувчи ёки кесувчи совуқ қурол билан ҳужумга қарши, қисқа ва узун қувурли ўқ отар қуроллари билан ҳужумга қарши ҳимояланиш ва тартиббузарни қўлга олиш) каби касбий-амалий тайёргарликни сифатли тарбиялашга ёрдам беради.
2. Жанговар вазиятни моделлаштириш орқали курсантлар томонидан қўлланиладиган жанговар кураш усуллари фавқулодда вазиятларда тез ва сифатли бажариш имкониятини кенгайтирилади.
3. Тўсиқлар йўлакчасида курсантларнинг комплекс тайёргарлик кўрсаткичларининг такомиллаштириш орқали ҳаракат динамикаси сезиларли даражада яхшиланишига эришилди.
4. Махсус усуллар комбинациясини чекланган майдонда тартиббузарни қўлига оғриқ бериш ва қайириш ҳаракатларини бажариш жараёнида шикастланишни олдини олиш мақсадида аввал яқунловчи фазадан бошлаб оддийдан мураккабга принципини қўллаш ҳисобига жароҳатланишларни олдини олиш имконияти кенгайтирилди.
5. Курсантлари томонидан тез ҳаракатланиш, ҳимоя комбинацияларини қўллаш, рақибнинг қўл ва оёқлар билан берган зарбаларидан ҳимояланиш усуллари тўсатдан ўзгарувчан шароитларда бажартириш ҳисобига санчилувчи ва кесувчи совуқ қуролдан ҳимояланиш техникасини такомиллаштиришга эришилди.

References:

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.



2. *Кочкаров А.А.* Совершенствование интегральной подготовки курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан: Монография. – Академия МВД Республики Узбекистан. – Ташкент, 2020. – 125 с.
3. *Нурымбетова Э.Ж.* Социально-психологические особенности динамики профессионального становления сотрудников органов внутренних дел: Дис. докт ... философии по психол. наукам. – Ташкент: 2020. – 155 с.